

5. Kapferer, J. N. (1998). *Strategic brand management: Creating and sustaining brand equity long term*. London: Kogan Page. Kaufmann, H.
6. Keller, K. (2003). *Brand synthesis: The multidimensionality of brand knowledge*. *Journal of Consumer Research*, 29, 595–600. <http://dx.doi.org/10.1086/jcr.2003.29.issue-4>
7. Aaker, D. A. (1991, September). *Managing brand equity: Capitalizing on the value of a brand name*. New York, NY: Free Press.
8. Huang, R., & Sarigöllü, E. (2012). *How brand awareness relates to market outcome, brand equity, and the marketing mix*. *Journal of Business Research*, 65, 92–99. <http://dx.doi.org/10.1016/j.jbusres.2011.02.003>
9. Keller, K. L. (1993). *Conceptualizing, measuring, and managing customer-based brand equity*. *Journal of Marketing*, 57(1), 1–22. <http://dx.doi.org/10.2307/1252054>
10. Rossiter, J. R., & Percy, L. (1987). *Advertising and promotion management*. New York, NY: McGraw-Hill.
11. Chang, H. H., & Liu, Y. M. (2009). *The impact of brand equity on brand preference and purchase intentions in the service industries*. *The Service Industries Journal*, 29, 1687–1706. <http://dx.doi.org/10.1080/02642060902793557>
12. Doney, P. M., & Cannon, J. P. (1997, April). *An examination of the nature of trust in buyer–seller relationships*. *Journal of Marketing*, 61, 35–51. <http://dx.doi.org/10.2307/1251829>; Ganesan, S., & Hess, R. (1997). *Dimensions and levels of trust: Implications for commitment to a relationship*. *Marketing Letters*, 8, 439–448. <http://dx.doi.org/10.1023/A:1007955514781>
13. Azoulay, A., & Kapferer, J. N. (2003). *Do brand personality scales really measure brand personality?* *Journal of Brand Management*, 11, 143–155. Retrieved from http://www.kapferer.com/mp_pdf/A%26KBrandPersonality_52643.pdf
14. Aaker, J. L. (1997). *Dimensions of brand personality*. *Journal of Marketing Research*, 34, 347–356. <http://dx.doi.org/10.2307/3151897>
15. Long, M. M., & Schiffman, L. G. (2000). *Consumption values and relationships: Segmenting the market for frequency programs*. *Journal of Consumer Marketing*, 17, 214–232. <http://dx.doi.org/10.1108/07363760010329201>
16. Pinar, M., & Trapp, P. (2008). *Creating competitive advantage through ingredient branding and brand ecosystem: The case of Turkish cotton and textiles*. *Journal of International Food & Agribusiness Marketing*, 20 (1), 29–56. <https://studfile.net/preview/1582409/page:3/>
17. <https://studfile.net/preview/1582409/page:3/>
18. Муаллифнинг илмий изланишлари натижасида ҳисобланди



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Бахтиёров Бобур Баходир ўғли -
ЎзМУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a11

Аннотация: саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш бугунги кунда узоқ муддатли истиқболда ҳар қандай мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришишининг муҳим шартли ҳисобланади. Мақолада саноат корхоналарида инновацион бошқаруви ташкил этиш функциялари, усуллари, шакллари, тамойиллари, инновацион бошқаруви амалга ошириш механизми ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада саноат корхоналари инновацион бошқарувини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инновацион бошқарув, инновация, инновацион фаолият, инновацион ҳамкорлик, инновацияларни амалиётга жорий этиш, инновацион бошқарув самарадорлиги.

МЕТОДЫ И ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННОГО МЕНЕДЖМЕНТА НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Бахтиёров Бобур Баходир ўғли -
Старший преподаватель кафедры
“Макроэкономика”, PhD, НУУЗ

Аннотация: Повышение эффективности управления инновациями на промышленных предприятиях сегодня является важным условием для любой страны достижения устойчивого экономического роста в долгосрочной перспективе. В статье рассматриваются функции, методы, формы, принципы организации управления инновациями на промышленных предприятиях, механизм управления инновациями и его особенности. Также в статье разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию инновационного менеджмента промышленных предприятий.

Ключевые слова: инновационный менеджмент, инновации, инновационная деятельность, инновационное сотрудничество, внедрение инноваций, эффективность инновационного менеджмента.

METHODS AND PRINCIPLES OF ORGANIZING INNOVATION MANAGEMENT
AT INDUSTRIAL ENTERPRISES**Bakhtiyorov Bobur Bakhodir ugli**Senior Lecturer, Department of
Macroeconomics, PhD, NUUZ

Annotation: Improving the efficiency of innovation management at industrial enterprises today is an important condition for any country to achieve sustainable economic growth in the long term. The article discusses the functions, methods, forms, principles of organization of innovation management at industrial enterprises, the mechanism of innovation management and its features. The article also developed scientific proposals and practical recommendations for improving the innovative management of industrial enterprises.

Key words: innovation management, innovations, innovation activity, innovation cooperation, introduction of innovations, efficiency of innovation management.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодийнинг турли тармоқларига инновацион лойиҳаларни жорий этишни жадаллаштириш, жумладан, саноат корхоналари томонидан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бошқарувга оид инновациялардан амалиётда кенг фойдаланиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал рейтинглардаги кўрсаткичларини янада оширишга қаратилган ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс халқаро рейтинги кўрсаткичлари тизимида жаҳоннинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киришига эришиш бўйича узоқ муддатли стратегик вазифаси белгиланган[1].

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида "...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз"[2], деб айтган фикрлари кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодий тармоқлари, жумладан, саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инновация атамаси лотинча "innovation" сўзидан олинган бўлиб, янгилаш, ўзгартириш киритиш деган маънони англатади. Ушбу атама иқтисодий адабиётга илк бор Й. Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, олим инновация иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф беради: "янги турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари, жумладан, корхоналарнинг эгаллаган бозор

ҳажмини оширишда ноодатий шаклдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш амалиётини ташкил этиш, янги турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уларни амалиётга татиқ этилиши инновация деб баҳоланади" [3].

Э. Дандон [4] ўз изланишларида корхона бошқаруви жараёнида инновациянинг креативлилик, стратегия, амалга ошириш (реализация) ва фойдалилик каби таркибий компонентларга эга бўлишини ажратиш кўрсатади.

А.Н. Храмова ва А.А. Ахматовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда корхоналар бошқаруви жараёнида инновация иқтисодий категориясининг мазмунини ёритишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

- инновация иқтисодий категориясининг мазмунини янгилик, нау-хау билан боғлиқ ҳолда тушунтириш;

- инновациянинг мазмунини ёритишда янги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш, жумладан, унинг техник ва технологик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бутун бир жараён сифатида тушунтириш;

- инновация мазмунини ёритишда янги ғоя ва фикрларни амалиётга татиқ этиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, янги шаклдаги такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида баҳолаш[5].

Ўзбекистонлик Ш.Н. Зайнутдинов[6], А.А. Мадалиев[7], Д. Шодиева[8], Н.М. Расулов[9], Ш.Г. Акрамова[10], О.Э. Эрназаров[11] каби иқтисодчи олимлар ўз илмий изланишларида саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда инсон омилнинг ўрни, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрларга бўлган талаб, жумладан, саноат корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда инновацион ишланмалардан фойдаланишнинг услубий асослари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий ишларида саноат корхоналари иннова-

цион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш, саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш зарурати келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, қутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усуллари ва тамойилларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларга устуворлик қаратишдан мақсад, корхоналарда жорий этилаётган инновацион лойиҳаларни самарали амалга ошириш, корхонанинг инновацион бошқарувини такомиллаштириш, шунингдек, корхонанинг инвестицион-инновацион салоҳиятини яхшилашдан иборат ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, инновацион бошқарув бугунги кунда корхона стратегик бошқаруви-

нинг ажралмас қисмига айланган бўлиб, корхона инновацион бошқарувидан кўзланган мақсадга эришишда молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг янги, замонавий услубларида ўз аксини топади. Корхона инновацион бошқарувининг мақсади эса, корхонада янги турдаги, такомиллаштирилган ёки модернизация қилинган маҳсулот турини ишлаб чиқариш, шунингдек, эски турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш жараёнида вужудга келадиган ишлаб чиқариш ва илмий-техник фаолиятнинг ўзаро мутаносибликдаги самарали амал қилиш механизмини шакллантиришдан иборат. Ушбу ҳолат корхона инновацион бошқарувини ташкил этиш жараёнида, яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, уни истеъмолчига етказгунга бўлган барча босқичларни тубдан такомиллашуви ёки янги ишлаб чиқариш технологияларини амалиётга жорий этишни англатади.

Корхона инновацион бошқарувини ташкил этишда аввало инновацион бошқарув функцияларини англаб этиш зарур бўлади. Бунда корхона инновацион бошқарувини ўзаро алоқадор бўлган стратегик маркетинг, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, инновацион жараёнларни таҳлил қилиш ва уни назорат қилиш, инновацияларни режалаштириш, рағбатлантириш ва бошқариш функциялар билан тўлиқ таъминлаш зарурияти вужудга келади. Таҳлилларга кўра, корхона инновацион бошқаруви функцияларини объекти ва субъекти бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин бўлади. Инновацион бошқарув субъектига кўра функциялар режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат қилиш, прогнозлаштириш, координациялаштириш рағбатлантириш ва тартибга солишни кабиларни қамраб олса, объектига кўра функциялар эса молиялаштиришни бошқариш, рискли капитал қўйилмаларини амалга ошириш, инновацион жараёнларни ташкиллаштириш ва бозорда инновацияларни илгари суришдан ташкил топади (1-жадвал).

1-жадвал

Корхона инновацион бошқарувининг функциялари ва уларнинг гуруҳланиши

Ўзаро алоқадорлик даражасига кўра	Инновацион бошқарув субъектига кўра	Инновацион бошқарув объектига кўра
Стратегик маркетинг	Режалаштириш	Молиялаштиришни бошқариш
Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш	Ташкиллаштириш	
Инновацион жараёнларни таҳлил этиш ва назорат қилиш	Назорат қилиш	Рискли капитал қўйилмаларини шакллантириш
Инновацияларни режалаштириш	Прогнозлаштириш	Инновацион жараёнларни ташкил этиш
Рағбатлантириш	Координациялаштириш	Бозорда инновацияларни илгари суриш
Инновацияларни бошқариш	Рағбатлантириш ва бошқариш	

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Корхонада инновацион бошқарувни амалга оширишнинг зарурияти ва унинг функцияларини таҳлил этиш асосида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида инновацион бошқарувни амалга оширишнинг функционал механизмини шакллантирдик (1-расмга қаранг). Бунда корхонада инновацион

бошқарувни ташкил этиш тамойилларини корхона бошқаруви амалиётига татбиқ этиш йўналишларини тавсифладик. Таклиф этилаётган корхона инновацион бошқаруви амал қилишининг инновацион механизми инновацион фаолиятни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш имконини беради.



1-расм. Корхона инновацион бошқаруви амал қилишининг функционал механизми

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Иқтисодий адабиётда инновацион бошқарувни амалга оширишнинг турли усуллари шакланган бўлиб, корхоналарда инновацияларни амалиётга жорий этишнинг икки хил ёндашуви ўзаро фарқланади:

- мустақил инновацион бошқарув ёндашуви. Бунда корхона томонидан инновацияларни амалиётга жорий этиш мустақил равишда амалга оширилади. Яъни корхона инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнида корхонанинг инновацион салоҳиятига асосланади. Мазкур вазиятда корхона инновацион харажатлари, яъни инновацияларни ишлаб чиқишдан тортиб, то уни истеъмолчига етказгунга қадар бўлган жараёнларни молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари ва молиявий ташкилотлар хизматларидан (кредит, лизинг, ломбард ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда амалга оширадilar. Бу турдаги ёндашув ўрта ва йирик корхоналар амалиётда кенг кузатилиб, уларнинг кичик корхоналарга нисбатан илмий-техник салоҳиятининг юқорилиги ва молиявий жиҳатдан катта устунликка эгаллиги мустақил равишда инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш имконини беради. Шунингдек, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиёти таҳлилига кўра, ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган кичик инновацион корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга қа-

ратилган давлат дастурлари кичик корхоналарда ҳам мустақил равишда инновацион фаолиятни ривожлантириш имконини беради;

- ҳамкорликдаги инновацион ривожланиш ёндашуви. Ушбу ёндашувда икки ёки ундан ортиқ корхоналар, шунингдек, илмий-техник парклар, инновацион фаолият билан шуғулланувчи бошқа турдаги ташкилотлар ўртасидаги инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини шакллантиришга устуворлик қаратилади. Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, аксарият мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда мазкур турдаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади. Ушбу ҳолат инновацион жараёнларни ташкил этиш ва уларни бошқаришдаги қутилаётган рисклилик даражасини ҳамкор корхона ва ташкилотлар ўртасида тақсимланиши, шунингдек, инновацион фаолият харажатларини молиялаштиришни ҳамкорларнинг инновацион мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширишлари қисқа муддатли даврда кўзланган мақсадларга эришиш имконини беради. Мазкур турдаги инновацион ривожланиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар қаторига стратегик иттифоқ (альянс), ҳамкорлик тадқиқоти, коопе-

ратив ишлаб чиқариш ва кооператив маркетинг кабиларни киритиш мумкин бўлади[12].

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, иқтисодий адабиётда корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг мақсадга йўналти-

рилганлилик, тизимлилик, мослашувчанлик, кучлар баланси ва жавобгарлилик, тежамкорлик, иерархиялилик каби умумий тамойиллари ўзаро фарқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг умумий тамойиллари [13]

Тамойиллар	Тамойилларнинг тавсифи
Мақсадга йўналтирилганлилик	Корхона инновацион фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, корхонада инновацион бошқарув бўйича тизим шаклланганлиги ва бу орқали инновацион жараёнлардан кўзланган натижаларга самарали эришиш
Инновацион фаолиятнинг тизимлиги	Корхона инновацион фаолиятини аниқ ва тизимли равишда йўлга қўйилганлиги, жумладан, корхонанинг ташкилий тузилиши бўйича инновацион вазифаларни тенг тақсимланиши ва уларни бажаришдаги ўзаро муносабатларнинг мавжудлиги
Мослашувчанлик	Корхона инновацион бошқаруви тизими ички ва ташқи омиллар таъсирини етарли даражада акс эттирган ҳолда, мавжуд ўзгаришларга мос ҳолда инновацияларни ривожланишини таъминлаши зарур
Кучлар баланси ва жавобгарлилик	Корхонанинг таркибий тузилиши бўйича инновацион мажбуриятларни уларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тақсимланиши ва уни амалга оширишдаги масъулиятнинг мавжудлиги
Тежамкорлик	Инновацион жараёнлар корхона ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва тежамкорлигини таъминлаши зарур
Иерархиялилик	Инновацион бошқарув тизимининг ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлиши, шунингдек, уни ташкил этувчилар ўртасидаги ўзаро горизонтал ва вертикал алоқадорликнинг мавжудлиги

Мазкур тамойиллар ҳар қандай шаклдаги корхонанинг инновацион бошқаруви амалиёти учун хос ҳисобланади ва қуйидаги тартибда тавсифланади:

- мақсадга йўналтирилганлилик тамойили – бу корхонанинг инновацион фаолиятини узлуксиз равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарув амалиётини мавжудлиги ва бу орқали унинг инновацион ривожланиши, жумладан, инновацион жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашни назарда тутати;

- инновацион фаолиятнинг тизимлиги – бунда корхонанинг ташкилий тузилиши бўйича инновацион жараёнларни ўзаро алоқадорликда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг мавжудлигига эътибор қаратилади;

- мослашувчанлик – корхона инновацион бошқарувини амалга ошириш жараёнида унга таъсир этувчи корхонанинг ички ва ташқи омилларига нисбатан инновацион фаолиятнинг мослашувчанлиги, шунингдек, мазкур таъсирларни ўзида акс эттирган ҳолда, корхонанинг инновацион ривожланиш кўрсаткичларини таъминланиши;

- кучлар баланси ва жавобгарлилик – бунда корхона инновацион бошқарувини ташкил этиш жараёнида корхонанинг таркибий тузилиши ва унинг элементлари (бўлимлар, ёлланма ҳодимлар ва ҳ.к.) ўртасида инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича уларнинг инновацион салоҳияти, шунингдек инновацион жараёнда иштирокидан келиб чиққан ҳолда инновацион мажбуриятларнинг тенг тақсимлани-

ши билан бир қаторда, ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдаги масъулиятнинг мавжудлиги инобатга олинади;

- тежамкорлик – корхона бошқаруви амалиётига инновацияларни жорий этиш орқали маҳсулот (ёки хизмат) ишлаб чиқариш жараёнларининг техник-технологик жиҳатдан такомиллашувига эришилиши натижасида харажатлар ҳажмининг камайиши (молиявий харажатлар, вақт сарфи, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, чиқинди чиқишининг камайиши ва ҳ.к.);

- иерархиялилик – ҳар қандай бошқарув амалиётда бўлгани сингари инновацион бошқарувни ташкил этишда ҳам маълум бир бошқарув тузилмасини шакллантириш лозим бўлади. Мазкур тамойил корхона инновацион бошқарувини ташкил этишда инновацион фаолиятда иштирок этувчи, шунингдек, инновацион фаолиятни бошқаришни ташкил этувчи корхона таркибий тузилмаси ўртасида горизонтал ва вертикал равишдаги ўзаро алоқадорликнинг мавжуд бўлиши зарурлигини англатади[13].

Шунингдек, иқтисодий адабиётда корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг умумий тамойиллари билан бир қаторда махсус тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тамойиллар инновацион бошқарув тизими амалиёти учун хос ҳисобланади ва қуйидагилардан ташкил топади:

- корхона инновацион бошқаруви тизими ташкилий жиҳатдан инновацияларни излаш,

уларни рағбатлантиришга қаратилган тартибда шакллантирилиши;

- корхонада амалга оширилаётган барча турдаги инновациялар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши;

- корхона инновацион бошқаруви ва уни амалга ошириш йўналишлари корхона хўжалик юрити фаолиятининг мақсад ва вазифаларига мос равишда амалга оширилиши;

- корхонада инновацион бошқарувни ташкил этиш ва инновацияларни амалиётга жорий этишнинг параллел равишда амалга оширилиши;

- корхона инновацион бошқарувида амалиётга жорий этилаётган барча турдаги инновациялар унинг инновацион ривожланиш стратегияси, мақсади ва вазифаларини ўзида акс эттириши;

- корхонанинг инновацион фаолиятида қатнашувчи таркибий бўлинмалар, жумладан уларнинг ҳодимлари ўртасида аниқ инновацион вазифаларнинг оптимал даражада тақсимланганлиги ва уларни бажарилиши;

- корхона бошқарувида инновацион фаолиятни ривожлантиришда унинг барча имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш [14].

Таҳлилларга кўра, аксарият ҳолатларда корхона инновацион бошқарувида умумий ва амалий тамойилларнинг параллел равишда қўлланилишини кузатиш мумкин бўлади. умумий тамойиллар асосида корхонада инновацион бошқарувни шакллантиришга қаратилган ишлар амалга оширилса, амалий тамойиллар инновацион бошқарувни амалга ошириш жараёнида умумий тамойилларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши асосида вужудга келади. Ушбу ҳолат корхона инновацион бошқарувининг амалий тамойилларининг оператив хусусиятга эга эканлиги билан тавсифланади.

Иқтисодий адабиётда корхона инновацион бошқарувини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар натижаларига кўра, бу турдаги бошқарув амалиётига эга бўлган корхоналарнинг хўжалик юритиш самарадорлиги кўрсаткичи ортади, жумладан, ишлаб чиқақриш технологияларининг такомиллашуви натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларида сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар намоён бўлган ҳолда, корхонада ташкилий тузилишида чуқур таркибий ўзгаришлар вужудга келиб, унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичи орта боради. Пировард натижада нафақат корхона, балки яхлит иқтисодиётда инновацион фаолиятни ривож-

лантириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилади.

Таҳлилларга кўра, иқтисодий адабиётда ҳар қандай корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш учун хос бўлган қатор вазифалар ажратиб кўрсатилган бўлиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади:

- инновацион фаолиятни режалаштириш. Бунда корхонанинг бозордаги ривожланиш миссияси доирасида унинг ривожланиш йўналишларига мос келувчи инновацион фаолиятни режалаштириш назарда тутилади. Яъни кўзланган мақсадга эришишда корхона фаолиятига қайси турдаги инновацияларни жорий этиш зарурлигига эътибор қаратилади. Корхона бошқарувида инновацион фаолиятни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режалари ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга мунтазам жорий этиб бориш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади;

- инновацияларни ташкил этиш. Корхона фаолиятида инновацияларни ташкил этиш, уларни амалиётга татбиқ этиш учун унинг бошқаруви, шунингдек, ташкилий тузилиши бўйича амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳа талабларига мос келувчи шарт-шароитларни яратиш, жумладан, ҳодимлар малакаси ошириш, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш орқали корхонанинг инновацион салоҳиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Бу орқали корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга эришилади;

- инновацион фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш. Бунда корхона бошқарувида унинг персонали ўртасида инновацион фаолликни, яъни инновацион ғоялар ва ишланмаларни ишлаб чиқиш, инновацияларни яратиш бўйича қулай шарт-шароитни яратиш, шунингдек, амалга оширилаётган инновацион лойиҳанинг юқори самарадорликка эришишини таъминлашдаги рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилади;

- инновацион фаолият натижаларини таҳлил қилиш. Бунда корхона бошқаруви амалиётини инновацион фаолият натижаларини оралик ва йиллик, шунингдек якуний таҳлилини амалга ошириш орқали инновацияни амалиётга жорий этишдан кўзланган натижаларга эришиш ҳолатини мунтазам мониторинг қилиб бориш назарда тутилади. Агарда, таҳлил натижалари салбий бўлган ҳолатда, инновацион фаолиятни бошқаруви амалиётини тактик режалар тузиш асосида йўл қўйилаётган хатоликлар бартараф этилиши лозим бўлади [15].

Корхоналар бошқарувида инновацион фаолиятни ташкил этиш шакллари [16]

Инновацион бошқарув шакли	Инновацион бошқарув тавсифи
Консорциум	Ўзаро ҳамкорликдаги инновацион фаолиятни ташкил этиш тури бўлиб, корхона, компания, турли молиявий ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ўртасида фан ва капитал сиғимкорлиги юқори бўлган инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишдаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган маҳаллий ва халқаро даражадаги бирлашмалар. Бу турдаги бирлашмалар фаолияти вақтинчалик бўлиб, инновацион фаолиятдан кўзланган мақсадга эришилгандан сўнг тугатилиши мумкин.
Концерн	Бунда саноат корхоналари, транспорт, савдо ва молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида фан сиғимкорлиги юқори бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, улар бир бутун инновацион бошқарув тизими остида бирлаштирилади. Концернлар молиявий, илмий-техник салоҳият ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича устуликка эга ҳисобланади.
Молия-саноат гуруҳлари	Бунда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида мазкур соҳа бўйича саноат, фан, савдо, транспорт, хизмат кўрсатиш ва молиявий корхона ва ташкилотларнинг ягона бошқарув ва молиявий назорат остида бирлашуви англатади. Бунда ҳар бир бугинлар кесимида инновацион мажбуриятлар тенг тақсимланади
Венчур фирма	Кичик ва ўрта саноат корхоналари учун хос бўлиб, бу турдаги фирмаларни инвестициялаш орқали йирик корхоналарнинг инновацион буюртмаларини амалиётга жорий этиш ва уларни тижоратлаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, бу турдаги корхоналар инновацион фаолиятга ихтисослашган бўлади.
Бизнес инкубаторлар	Бизнес инкубаторлар кичик ёки ўрта саноат корхоналари инновацион лойиҳаларини синондан ўтказиш учун ташкил этилган инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг тизимли шакли бўлиб, бунда улар инновацион лойиҳаларни синондан ўтказиш ёки уларни амалиётга жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган бир нечта бино ва иншоотларга эга бўлади. Кичик ва ўрта саноат корхоналар 2-3 йил мобайнида бизнес инкубаторлардаги юқори моддий-техник базага эга бўлган бино ва иншоотларни ижрага олиш асосида ўз инновацион лойиҳаларини шакллантирадилар ва кейинчалик мустақил равишда ўз фаолиятларини юритишлари мумкин бўлади.
Технопарклар	Кичик ва ўрта саноат корхоналарининг инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича техник ва технологик жиҳатдан юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудий марказ ҳисобланиб, улар илмий тадқиқот марказлари, инкубаторлар, саноат зоналари, маркетинг марказлари, ўқитиш (таълим) марказлари шаклида ташкил этилиши мумкин.
Технополис	Бу қанча илмий тадқиқот институтлари, саноат корхоналари, жорийлаштириш билан шуғулланувчи венчур ташкилотлар ўртасида инновацион ғоя ва ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бирлашмаларни маълум бир ҳудудда (шаҳар, туман, вилоят) жамланишини англатади. Шунингдек, бундай ҳудудларда технопарклар ва инкубаторлар фаолиятига устуворлик қаратилади.

Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида саноат тармоқлари ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида миллий иқтисодиёт тармоқларида хусусий илмий-тармоқ ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, инновацион фаолиятга ихтисослашган давлат ва хусусий мулкчиликнинг аралаш шакли бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган. Бундай ўзгаришлар бугунги кунда инновацион бирлашмалар фаолиятини ривожланишига олиб келди. Хусусан, корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг консорциум, концерн, молия-саноат гуруҳлари, технопарклар, технополислар, бизнес-инкубаторлар каби шаклларда инновацион бошқарувни ривожлантиришга эришилмоқда (3-жадвал).

Хулоса ва таклифлар. Таҳлилларга кўра, корхоналар инновацион бошқарувини ташкил этишнинг мажбурий, мотивацион, ишончли, инновацион фаолият тармоғини танлаш ва бошқариш, башоратли ва таҳлилий усулларида амалиётда кенг фойдаланилади ва қуйидаги тартибда тавсифланади:

- корхона инновацион бошқарувининг мажбурий усули мамлакатдаги инновацион ривожланиш дастурларига мувофиқ ҳолда, амалдаги қонунчиликка биноан корхона инновацион фаолиятида бевосита ва билвосита қатнашувчи корхонанинг ташкилий тузилиши ва унинг суб

тизимлари ўртасидаги инновацион ривожланиш бўйича белгиланган режа, вазифа, лойиҳа ва дастурларни амалга оширилиши жараёнида юқори турувчи бошқарув бўғини буйруқларини бажарилишини назарда тутати;

- корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг рағбатлантириш усулида истеъмолчиларнинг маълум эҳтиёжларини қондиришда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш орқали ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (товар ва хизматлар) сифатини ошириш, шунингдек, корхонанинг бозордаги эгаллаган ўрнини янада мустаҳкамлаш ва унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшилаш бўйича янги, инновацион ғоя ва ишланмаларни ишлаб чиқишни рағбатлантиришни назарда тутати. Бунда корхона бошқаруви амалиётида инновацион лойиҳа ёки ишланма бўйича янги ғояларни ишлаб чиққан ҳодимларни молиявий рағбатлантириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришилади;

- корхона инновацион бошқарувининг ишончли усулида бошқарувчидан ўз ҳодимларининг психологик жиҳатдан тўлиқ "портрети" ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши талаб этилади. Бунда ҳодимларни психологик жиҳатдан ўз вазифаларини қисқа муддатларда самарали амалга оширишлари натижаасида уларни маъ-

лум эҳтиёжларини рағбатлантиришга ишонтириш лозим бўлади;

- корхонада инновацион фаолият тармоғини танлаш ва бошқариш усули бошқарув жараёнида график-аналитик услуллардан фойдаланган ҳолда бошқарув тизимини лойиҳалаштиришни англатади. Бунда корхона инновацион лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли қарорларни қабул қилишда корхона инновацион салоҳиятини тўлиқ таҳлил қилиш асосида энг мақбул вариантларни танлаш имконига эга бўлади;

- корхона инновацион бошқарувининг башоратли усулидан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланилади. Бунда корхона амалиётига жорий этилаётган инновацион лойиҳа, уни ҳаётийлик даври (маънавий эскириш муддатлари) бўйича олдиндан берилган прогноз кўрсаткичлар ва уларнинг асосларига таянган ҳолда, инновацион ривожланишнинг узлуксизлиги таъминланади;

- корхона инновацион бошқарувининг таҳлилий усули аксарият бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиёти учун хос ҳисобланади. Инновацион бошқарувнинг мазкур усули режадаги кўрсаткичларга амалда эришилиш ҳолати ўртасидаги қийсий таҳлилни амалга ошириш орқали мавжуд ютуқ ва камчиликларни аниқлаш имконини беради. Бундай бошқарув усули бошқарувчидан инновацион бошқарув бўйича у даражада катта билимни талаб этмайди.

Шунингдек, бугунги кунда корхона инновацион бошқарувини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари мавжуд ҳисобланади:

- корхонада инновацион фаолият билан шуғулланувчи махсус гуруҳларни ташкил этиш. Бундай гуруҳлар корхона доирасида инновацион жараёнларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, инновацион фаолиятга ойда тегишли таклифларни киритиш билан шуғулланадилар;

- корхонада инновацион фаолият билан шуғулланувчи мустақил бўлимларни шакллантириш. Бундай бўлимлар ўзлари мустақил равишда янги, такомиллаштирилган маҳсулотларни, жумладан, янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган ҳолда, корхонанинг инновацион фаолиятини тўлиқлигича бажарадилар;

- лойиҳавий-мақсадли гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали корхонада янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширилишини йўлга қўйиш мумкин бўлади;

- инновацион фаолиятни амалга оширишнинг замонавий услулларидан бири бу ривожланиш марказлари усули ҳисобланади. Бунда инновацияларни корхона амалиётига жорий этиш, маҳсулотларни сотиш ва бозорларни кенгайтиришга устуворлик қаратиш назарда тутилади;

Корхонада инновацион бошқарувни ташкил этиш усуллари ва тамойилларини тадқиқ этиш асосида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун корхоналарнинг инновацион фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб айтиш мумкин. Бунда корхона томонидан инновацион бошқарув тизимини шакллантиришда унинг ички ва ташқи таъсирларга мослашувчан механизминини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>
2. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. / Й. Шумпетер. – М.: Экономика, 1995й. – 540 с.
4. Дандон Э. Инновации: как определять тенденции и извлекать выгоду / Э. Дандон. -М.: Вершина, 2006. -304 с.
5. Храмова Н.А., Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельности предприятия. // Стратегии бизнес / Электронный научно-экономический журнал. № 10 (54). 2018. С. 18-22.
6. Зайнуddинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).-Т.: "Инновацион ривожланиш наشريёт-матба уйи", 2020. - Б.540.
7. Мамадалиев А.А. Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилни фаоллаш-тиришнинг ташкилий-иқтисодий механизидан фойдаланишни такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.: 2017. – Б.28;
8. Шодиева Д. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.:2020 Б.58;
9. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. -Т., 2021, -Б.81;
10. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капитали-нинг ривожланиши. Монография. -Т.: Iqtisod-Moliya, 2014. -180;
11. Эрнараров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш // Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2020. 60 б.
12. Замалтдинов Р.Н. Методы управления инновационной деятельностью. Journal of Economy and Business, Vol. 4, part 2. С. 40-43
13. Сурич А.В. Молчанова О.П. Инновационный менеджмент. Москва: Инфра-М, 2012. 367 с.; Замалтдинов Р.Н. Методы управления инновационной деятельностью. Journal of Economy and Business, Vol. 4, part 2. С. 40-43
14. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Инновационный менеджмент. Москва: Высшее образование, 2011. – 504 с.
15. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: «Менеджмент организации». – Москва: Инфра-М, 2008. 239 с.
16. Руководство Осло: Рекомендации по сбору и анализу данных по инновациям / Сов. публ. ОЭСР и Евростата / пер. с англ. 3-е изд. М.: «Центр исследований и статистики науки» (ЦИСН), 2010. – 107 с